

**Пачкамар сув омбори гидробионтларини ўрганишга доир
Файзуллаева М.Б. ЎзМУ магистранти.**

Ўзбекистон дарёларига қурилаётган сув иншоотлари, балиқ хўжалигида фойдаланилиши мумкин ва лозим бўлган сув омборларининг барпо этилиши Республикамиз олимлари олдига муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Бошқа биологик ресурслардан Ўзбекистонда балиқ ресурслари айниқса катта аҳамиятга эгадир. Республикамизда балиқнинг табиий запаслари анча камайиб кетган. Шу кунга қадар Ўзбекистонда фақат карп балиқлари етиштирилар эди. Хозирги кунда ласоссимон балиқлар, бакра балиқлар, Африка лаққа балиғини етиштириш йулга қўйилган. Сунъий хавзаларда фақат экстенсив равишда балиқ боқилган. Аммо хозирда аквакультуранинг бошқа сохалари - садок балиқчилиги, бассейн - жадал балиқчилиқ тармоғи шаклланмоқда

Қашқадарё вилоятида балиқчиликка ихтисослашган бир нечта сув хавзалари мавжуд бўлиб, улардан бири Пачкамар сув омборидир. Бу сув омбор 1968 йили Гузар қишлоғидан 15 км узоқликдаги Гузардарё дарёсида қурилган. Олиготроф характериға эга бўлган тоғ олди сув омборидир. Сувнинг шаффофлиги Секки дискаси бўйича 0,5- 6 метргача. Сувнинг ранги яшил-кўкимтир тусда. Хиди йук. Ярим метргача бўлган чуқурликда сувнинг температураси 24°C.

Хозирги кунда адабиёт маълумотлари бўйича сув омбор ихтиофаунасида 3 та оилаға тегишли (карпсимонлар, вьюнсимонлар ва амбузиясимонлар) 10 тур балиқ учрайди. Гамбузия балиғи иқлимлаштирилган. 4 тур овланиш аҳамиятиға эга. Улар: Самарқанд рамиуляси, туркистон мўйлов балиғи, қора балиқ ва сазан. Қолган 6 тури эса майда, овланиш аҳамиятиға эга бўлмаган балиқлар. Улар: қум балиқ, парк ваола тезсузари, голец, тиканли балиқ ва гамбузия.

Сув омбори тоғли худудда жойлашган бўлгани учун гидробионтлар (зоопланктон, фитопланктон ва зообентос) жуда кам. Зоопланктон фғанизмлар 18 турни ташкил қилди. Доминант турлар *Asplanhna u iodonta*, *Daphnia galeatq*, *Ceriodaphnia turkestanicq*, *Bosmina*, sp., *Mo 'ma nicrura*, *Diaphanosoma lacustris*, *Thermocydops vermifer*, *Cyclops vicinus*.